

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
2015 йил I чорак якунлари бўйича тахлилий
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон, 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487-сон, 2012 йил 20 марта “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сон, 2013 йил 17 декабрдаги “Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кумагида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини биринчи навбатда амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-2088-сон, 2014 йил 17 ноябрдаги ”Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил Инвестицион дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сон қарорлари ҳамда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларро кенгашнинг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни (07.02.2015 й. 01-08/1-189) топшириқларини ижросини таъминлаш мақсадида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги матнларда – Миллий кутубхона деб юритилади) томонидан 2015 йил I чорагида куйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Миллий кутубхонанинг асосий кўрсаткичлари

Миллий кутубхонанинг умумий фонди – 6 983 039, шундан босма фонд **4 513** нусхага қўпайди ва умумий сони – **6 636 611** нусхани, электрон кўринишдаги ресурслар – 7 335 нусха олинди, умумий сони **348 320** тага етди.

Миллий кутубхона фойдаланувчилари сони – **102 894** нафарни ташкил этиб, ҳисобот даврида кутубхонадан **7 269** нафар фойдаланувчи рўйхатдан ўтди. Ўтган давр мобайнида фойдаланувчиларнинг ташрифи – **182 319** маротабани, шундан **22 767** таси кутубхона веб-сайтидан фойдалангандарни ташкил қилди, китоб бериш – **1 192 933** нусхани ташкил қилди ҳамда веб-сайтдаги ички манбаларга **65 304** та мурожаат бўлди.

Автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш бўйича электрон ресурсларни яратиш, жумладан, электрон каталогни тўлдириш ишлари – **543 050** электрон библиографик ёзувларни ва **348 320** та тўла матнли электрон нашрларни ташкил этди.

Сканерлаш ва нусха кўпайтириш хизмати фойдаланувчилар томонидан қўп сўраладиган ҳамда янги адабиётларни электрон нусхасини яратиш бўйича ишлар олиб борилиб, ҳисобот даврида жами **1 892** та нашрларни тўлиқ электрон нусхаси яратилди. Жумладан: китблар – 1 470, қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар – 39, ноёб альбомлар – 23, авторефератлар – 360. Шунингдек, хизмат

томонидан Зулфия ижодига бағишланган газета мақолалари рақамлаштирилди – 798 сахифа.

Хисобот даврида Миллий кутубхонани молиялаштириши учун давлат бюджетидан **461 953,0** минг сўм, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига – **314 462,0** минг сўм, ижтимоий тўловлар учун – **55 592,0** минг сўм ва бошқа харажатларга – **91 899,0** минг сўм миқдорида маблағлар ажратилди. Ўртacha ойлик маош **980,0** минг сўмни ташкил этди. Миллий кутубхонанинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматини айрим турлари (ахборот-кутубхона тармоғи) бўйича тўлов асосида жами **146 789,3** минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

2. Маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ўтказилиши тўғрисида

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил маънавий-маърифий тадбирлар Режаси” ишлаб чиқилиб, Республика маънавият тарғибот маркази томонидан келишилди () .

Хисобот даврида Миллий кутубхона жами 71 та маънавий-маърифий тадбирларни ўтказди. Шундан:

Ўзбекистоннинг муҳим ва унтилмас саналарига бағишланган 19 та мавзули ва шахсга оид кўргазмалар, 14 та “Миллий кутубхонага келиб тушган янги нашрлар” кўргазмалари;

расмлар ва амалий санъат асарлари кўргазмаси 1 та;

муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 24 та ижтимоий-маданий тадбирлар ва Миллий кутубхонанинг 2015 йилга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан 13 та тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан:

Ойбек таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан “Устоз Ойбек меросидан” мавзусида давра-сухбати;

Ватан химоячилари куни муносабати билан “Мардлар қўриқлайди Ватанни!” мавзусида давра-сухбати;

Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Малоҳат Исҳоқова таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кўргазма;

Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр Рейнгольд Марицевич Глиэр таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан кўргазма;

“Ижтимоий тармоқдан фойдаланиш билан боғлиқ долзарб муаммолар, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси тармоқда ўзини қандай тутиши лозимлиги” мавзусида семинар-тренинг;

“Ахборот-коммуникацион технологиялардан (e-xat, e-hujjat) фойдаланиш, малакасини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” мавзусида семинар-тренинг;

“Олий таълим муассасаларида диний экстремистик оқимлар, миссионерлик, “Оммавий маданият” билан боғлиқ мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш” мавзусида семинар-тренинг;

Махмудхўжа Бехбутий таваллудининг 140 йиллигига бағишланган адабиётларнинг очик кўргазмаси;

“Ахборот глобаллашуви жараёнида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий асосларини яратишга қаратилган самарали ишларни ёшлар онгига сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида семинар;

Алишер Навоий таваллуди муносабати билан “Навоий назмиға боқсанг...” мавзусида маданий-маърифий тадбир;

Санъатшунос олим академик Галина Пугаченкованинг 100 йиллигига бағишланган кўргазма;

“Анда жоним қолди...” мавзусида Захириддин Мухаммад Бобур таваллуди кунига бағишлангшан маънавий-маърифий кеча;

Таълим муассасалари масъул ходимлари учун “Замонавий ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари, жамоат ва сиёсий ташкилотлар билан ишлаш шакл ва усувлари” мавзусида семинар;

Ёзувчи Саломат Вафонинг “Номсиз кема” номли китоби тақдимоти;

“Халқаро она тили куни” муносабати билан адабий-бадиий кечаси;

“Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари талаба-ўқувчилари орасида “Ўргимчак тўри” рукни остида ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий томонлари” мавзусида давра сұхбати;

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Баҳор келди сени сўроқлаб” мавзусида ижодий кечаси;

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти, профессор Муяссар Рассоқова билан ижодий учрашув;

“Дунёда ядроий технологиялар ва оммавий қирғин қуроллари га эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, қурол ва одам савдоси, терроризм, оғуфуруушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятларнинг авж олишида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусида давра сұхбати;

Тилшунос олим, филология фанлари доктори Виктор Решетов таваллудининг 115 йиллигига бағишланган адабиётлар кўргазмаси;

“Ягона давлат интерактив хизматлари порталида фуқаролар ва тадбиркорлар учун таклиф этилаётган хизматлар, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг;

“Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувоғиқ фаолият кўрсатаётган ZiyoNet жамоат ахборот таълим тармоғининг бугунги кундаги фаолияти” мавзусида семинар;

Тилшунос мутафаккир Маҳмуд Замахшарийнинг 940 йиллигига бағишланган “Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон” мавзусида илмий-назарий семинар;

“Кибер жиноятчилик ва унинг таҳдидидан шахсни ҳимоя қилиш” мавзусида семинар-тренинг;

“Ўзбекистонда хужжатли меросни сақланиши ва фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг ва бошқалар.

Маънавий-маърифий тадбирларнинг барчаси Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти www.natlib.uz ҳамда электрон оммавий ахборот-воситаларида ёритилиб борилди.

3. Миллий кутубхонада ихтисослашган илмий ва оммавий анжуманларни ўтказилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-ф-сонли фармойишининг “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”нинг 25-бандига асосан Миллий кутубхона томонидан “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусида IX Халқаро конференцияси 22-25 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур анжуманни юқори савияда ўтказиш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ташкилий қўмита ташкил қилинди. Ҳозирда маҳаллий ва ҳорижлик иштирокчиларни кутубхона расмий веб-сайти орқали электрон рўйхатдан ўтказиш ва маъруза матнларини умумлаштириш ишлари давом этмоқда.

4. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар

Республика ахборот-кутубхона муассасалари фондларига олинаётган ресурсларни УЎК (универсал ўнлик классификацияси – UDC) классификатори бўйича жойлаштириш, бугунги кунда АРМлар фондида Малакавий битирув ишлар фондини жойлаш ва сақлаш муҳим вазифалардан бири эканлигини эътиборга олиб, миллий тизимни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича Республика методик кенгашининг 2014 йил 15 июль 15-сон баёнида Ишчи гурӯҳи тасдиқланди. УЎК Халқаро консорциуми (UDC Consortium) томонидан инглиз ва рус тилларида УЎКнинг қисқа вариантини олиш бўйича ишлар ташкил қилинди ҳамда классификаторни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бошланди.

“Ўзбекистон Миллий кутубхонаси волонтёрлари ва волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Миллий кутубхона хизматлари Низом ва йўриқномалари қайта кўриб чиқиш ва ахборот-кутубхона фаолиятида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар асосида янгиларини ишлаб чиқиш бўйича 2015 йил режаси тузилди.

5. Миллий кутубхонада интерактив давлат хизматларининг жорий этилиши

Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти орқали интерактив давлат хизматлари орқали фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Унда:

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш (<http://www.natlib.uz/uz/articles/16/>); фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (<http://www.natlib.uz/uz/contacts>);

ilm-fan, таълим, ахборот ва маданият соҳаси бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхатини тақдим этиш (<http://www.natlib.uz:5555/Home/Search>);

электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш (<http://www.natlib.uz:5555>) каби хизматлар тақдим этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни кўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги 27-сон қарорига асосан Миллий кутубхонага миллий ва хорижий ахборот ресурслари маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилган бўлиб, www.reestr.uz тизимида 24.06.2013 йил Р00259 – рақами билан тасдиқланган.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонанинг қўйидаги 7 та техник лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар якунланди:

“ISBN, ISSN ва УЎК, КБК” рақамларини бериш” интерактив онлайн;

“Нодир нашр ва қўлёзмалар маълумот базасини яратиш, саклаш ва аниқ тақдим қилиш жараёнини автоматлаштириш”;

“Миллий кутубхонанинг ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик ҳисоботини автоматлаштириш”;

“Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси”;

“Имидж каталог”;

“Шахсий кабинет”.

“Йиғма электрон каталог” - онлайн дастури.

6. Миллий кутубхонада техник лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида

Миллий кутубхона томонидан **“Ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун маҳсус ускуналар билан жиҳозлаш”** ўрнатилган тартибда Тендер комиссияси ташкил қилинди, икки маротаба оммавий ахборот воситаларида эълон берилди. Тендерда қатнашиш учун компаниялар томонидан таклифлар келиб тушмаганлиги сабабли, тендер савдолари ўтказилмаган деб ҳисобланди. Миллий кутубхона ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун маҳсус ускуналарни молиявий ташкилот билан

келишган холда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги № 456-сонли қарори асосида харид қилинади.

“Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси доирасида ЭКСИМБАНК томонидан юборилган 5 та консалтинг компаниялари (шорт-лист) ўртасидан 3 та компания тавсия этилди ҳамда танловга таклиф қилинди. Танлов асосида Кореяning КСС компанияси билан тендер ҳужжатларини тайёрлаш учун контракт 24 март куни имзоланди. Куйидаги компания ўз ишини апрель ойидан амалга оширишни бошлайди.

7. Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг фаолияти

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг 2 маротаба йиғилиш ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Конунини ахборот-кутубхона муассасаларида жумладан, Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази тизимида бажарилиши, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарорини ижроси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини қўрсатишни ошириш чоратадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-Ф-сон фармойиши асосида “Central Asia 2015. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусидаги IX Халқаро конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси, Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муассислигига нашр этиладиган “INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси - “INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник журнали Концепцияси ва Низоми муҳокама қилинди. Кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

8. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши ва ҳолати

Миллий кутубхона томонидан Британия кутубхонаси, Россия Миллий кутубхонаси, Украина Миллий парламент кутубхонаси, Беларусь Миллий кутубхонаси, Туркия Миллий кутубхонаси, Исроил Миллий кутубхонаси, Литва Миллий кутубхонаси, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси, Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ишлаб чиқилди.

Миллий кутубхона Корея Республикаси Кёнхи университети Марказий кутубхонаси билан имзолаган ҳамкорлик шартномасига асосан 2015 йилнинг июнь ойида республика ахборот-кутубхона мутахассислари малакасини ошириш

мақсадида Корея Республикасига хизмат сафари уюштириш режалаштирилган. Ҳозирда вазирлик ва ташкилотлар томонидан таклифлар қабул қилинмоқда.

Хисобот даврида Миллий кутубхона халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида, халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Ўзбекистондаги хорижий элчихоналари) иштирокида жами 11 та тадбир, 7 та хорижий делегацияларни ташрифини ўтказди.

9. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича

Миллий кутубхона директорининг 2014 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида” 25-сон буйруғи қабул қилинди ҳамда Миллий кутубхонада Давлат дастурини бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Режаси тасдиқланди. Хисобот даврида режа асосида қўйдаги ишлар амалга оширилди:

Миллий кутубхонанинг “Тафаккур” ўқув залида “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан “Кексалари эъзоз топган юрт” мавзусида адабиётларнинг очик кўргазмаси ташкил қилинди;

“Кексалари эъзоз топган юрт” методик-библиографик қўлланмани тайёрлаш бўйича республикамизда чоп этилган китоблар, газета ва журнал мақолалари жамланиб, библиографик рўйхатининг электрон шакли тайёрланди. 2015 йилнинг апрель ойида ушбу қўлланманинг босма нашрини чоп этиш ва республика ахборот-кутубхона муассасаларига тарқатиш режалаштирилди;

Март ойидан Миллий кутубхона фойдаланувчилиси сифатида имтиёзли рўйхатдан ўтказиш (55 ёшдан катта аёллар, 60 ёшдан катта эркаклар) ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида 17 нафар кексалар кутубхона рўйхатидан имтиёзли равишда ўтказилди;

Миллий кутубхона фойдаланувчилари (пенсионерлар, кекса ёшдаги китобхонлар) учун Ўқув марказида «Компьютер саводхонлиги ва Интернетда фойдаланиш» йўналишида 2 қунлик ўқув машғулотлари Режа-жадвали ишлаб чиқилиб, апрель ойида ўқув машғулотларида иштирок этишни хоҳловчилар учун рўйхатга олиш ишлари бошланди;

Ўтган давр мобайнида 47 нафар кекса ёшдаги фойдаланувчилар учун кутубхона фаолияти билан таништирувчи экскурсиялар ташкил қилинди;

Миллий кутубхонада аҳолига ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратиш, мутахассисларни касбий малакасини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш ишларини оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилиш тадбирларини режавий амалга ошириш ишлари давом эттирилди.

10. Миллий кутубхона томонидан республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганиш ва методик ёрдам қўрсатиш

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ахборот-кутубхона мутахассислари билим даражасини ошириш бўйича” назарий ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув курсларини ташкил қилиш тўғрисида 2014 йил 24 декабрь 99-сон буйруғи қабул қилинди.

Хафталик ўқув курсларида январь-февраль ойларида жами – 46 киши қатнашди. Жумладан:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 33 нафар;

ФА Асосий кутубхонаси мутахассислари сони – 2 нафар;

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 1 нафар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 1 нафар;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 9 нафар.

Ҳисобот даврида Республика методик кенгаш йиғилишининг 2015 йил 15 январдаги 18-сон баёни 8-12 бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил 4 февраль 10-сон “Республикадаги Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларида сайёр семинарлар ташкил қилиш тўғрисида” буйруғи қабул қилинди. Буйруқнинг 1-иловасида йил давомида ўtkазиладиган сайёр семинарлар режа-жадвали тасдиқланди.

Ишчи гурӯҳ 2015 йилнинг 16-20 февраль кунлари Сирдарё ва Жиззах, 16-18 март кунлари Андижон вилоятларида хизмат сафарида бўлишиди.

Хизмат сафари давомида Сирдарё вилояти бўйича жами 16 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди:

Ховос тумани Транспорт касб-хунар коллежи; Гулбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи; Мехнатобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; 4 Оқ олтин саноат касб-хунар коллежи; Оқ олтин гидромелиорация ва хизмат қўрсатиш касб-хунар коллежи; Фарғона қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; Боёвут 2 Агросаноат касб-хунар коллежи; Боёвут 3 енгил саноат ва агрoserвис касб-хунар коллежи; Боёвут саноат касб-хунар коллежи; Сайхунобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; Сайхунобод пахтакор майший касб-хунар коллежи; Сайхунобод саноат касб-хунар коллежи.

Жиззах вилояти бўйича жами 12 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди:

Жиззах иқтисодиёт ва хизмат қўрсатиш касб-хунар коллежи; Жиззах ҳуқуқшунослик коллежи; Фаллаорол тиббиёт коллежи; Фаллорол саноат касб-хунар коллежи; Фаллаорол ижтимоий иқтисодиёт коллежи; Жиззах Педагогика институти қошидаги “Сайилжой” 1-сонли академик лицей; Жиззах Педагогика институти қошидаги “Сайилжой” 2-сонли академик лицей; Жиззах тумани касб-хунар

иқтисодиёт коллекции; Енгил саноат касб-хунар коллекции; Санъат коллекции; Жиззах педагогика коллекции; Жиззах Олимпия заҳиралари коллекции.

Андижон вилоятида жами 10 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди:

Андижон майший касб-хунар коллекции; Избоскан тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллекции; Избоскан тумани енгил саноат касб-хунар коллекции; Андижон тумани иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллекции; Булоқбоши майший хизмат касб-хунар коллекции; Булоқбоши иқтисодиёт ва енгил саноат касб-хунар коллекции; Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицей; Марҳамат тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллекции; Марҳамат тумани қурилиш индустрисал касб-хунар коллекции; Асака тумани автомобилсозлик касб-хунар коллекции.

Ўрганишлар яқуни бўйича вилоятларда семинарлар ташкил қилинди ва Миллий кутубхона мутахассислари томонидан барча АРМлари электрон кутубхонаси фондини тўлдириш мақсадида, 50 Гб хажмдаги электрон ресурслар тақдим этилди.

Миллий кутубхонанинг Низоми ва Республика методик кенгашининг баёни асосида ўрнатилган тартибда Миллий кутубхона муассислигига “InfoLib ахборот-кутубхона Хабарномаси” журналинин чоп этиш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан оммавий ахборот-воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 2015 йил 10 марта №0846-сонли гувоҳнома берилди.

Директор

А. Ходжаев